

Киши бошқани улуғлаб, ўрнидан туриши



22:40 / 14.02.2018 5623

Абу Мижлаздан ривоят қилинади:

«Муовия Абдуллоҳ ибн Омир ва Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг олдига чиқди. Ибн Омир ўрнидан турди. Ибн Зубайр ўтираверди. У иккисидан кўра вазнлироғи эди. Шунда Муовия:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳнинг бандалари унинг олдида тик туришини яхши кўрса, дўзахдаги уйига тайёрланаверсин», деганлар», деди».

Шарҳ: Муовия розияллоҳу анҳу ичкаридан чиқсалар, Абдуллоҳ ибн Омир билан Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумо ўтиришган экан. Абдуллоҳ ибн Омир Муовиянинг чиққанларини кўриб, ўрнидан турибди. Абдуллоҳ ибн Зубайр ўтираверибдилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр икковларининг ичида

хайбатлироқ, улуғроқ эдилар.

Шунда Муовия: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳузурида одамларнинг титраб-қақшаб, эгилиб-букилиб туришидан хурсанд бўладиган киши ўзининг дўзахдаги жойига тайёрланаверсин», деганлар», маъносидаги гапни айтдилар.

Кимки ўзининг хайбатидан одамлар қўрқиб, титраб-қақшаб туришини ёқтирса, бундай киши яхши одам бўлмас экан. Шунинг учун Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳазрати Муовия ичкаридан чиққанларида ўринларидан турмаган экан. Муовия у пайтда волий бўлганлар (кейинроқ халифа ҳам бўлганлар), ўзлари олим инсон бўлганлари учун ҳазрати Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг бу амалларини дарҳол тўғри тушунганлар, одамларнинг ичида «бири турди, бири турмади» каби гаплар чиқмасин деб, ўрnidан турмаган кишини қўллаб, «Турмаган киши тўғри қилди» деган маънода гапирган эканлар.

Амалнинг ўзига келсак, бу ҳақда ҳам ҳадислар кўп келган. Юқорида ўтган ҳадисларда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қизлари Фотима розияллоҳу анҳо келганларида ўринларидан турганлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам борганларида эса Фотима розияллоҳу анҳонинг ўринларидан туришлари ривоят қилинган.

Бундай ҳадисларни тўплаб, умумий ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, биров келганда сохта ҳурмат учун, қўрққанидан ўрnidан туриш мумкин эмас, бироқ фазилатли инсонлар келганда, самимий ҳурматдан, муҳаббатдан, эҳтиромдан, бошқаларга Ислом одобини намойиш қилиш ниятида, шаръий чегарадан чиқмаган ҳолда туриш мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Одоблар ҳазинаси китобидан)